

№1. Механик ҳаракат деган нима?

- а) Иссиқликнинг бир жисмдан иккинчи жисмга ўтиш жараёни.
- б) Кимёвий реакциялар натижасида янги моддаларнинг ҳосил бўлиш жараёни.
- в) Электромагнит тўлқинларининг нурланиш жараёни.
- г) Жисмнинг бошқа жисмларга нисбатан фазодаги ҳолатининг вақт ўтиши билан ўзгариш жараёни.

№2. Машина тўғри йўл бўйлаб 8 км, сўнг перпендикуляр йўналишда 6 км ўтган. Машинанинг ўтган йўлини аниқланг.

- а) 2 км
- б) 6 км
- в) 8 км
- г) 14 км

№3. Куч нимани тавсифлайди?

- а) зўр ишни бажаришга қобилият
- б) бир жисмнинг бошқага таъсир ўлчови
- в) бир жисм бошқадан қанча кучлироқ
- г) ишни тез бажаришга қобилият

№4. СИ бирликлар тизимида куч қандай ўлчамликка эга?

- а) $[Н] = [кг \cdot м/с]$
- б) $[Н] = [кг \cdot с/м]$
- в) $[Н] = [кг \cdot м/с^2]$
- г) $[Н] = [кг \cdot м^2/с^2]$

№5. Жисмнинг тезланиши $5 м/с^2$ га тенг, жисмнинг массаси 3 кг га тенг. Жисмга таъсир этувчи куч нимага тенг?

- а) 15 Н
- б) 10 Н
- в) 5 Н
- г) 1 Н

№6. Кран 500 кг юкни 5 м баландликка бир текис кўтаради. Кран қандай иш бажаради?

- а) 25 Дж
- б) 250 Дж
- в) 2500 Дж
- г) 15000 Дж

№7. Жисм 90 км/с тезлик билан ҳаракатланади. Жисмнинг массаси 100 кг. Унинг кинетик энергияси нимага тенг?

- а) 31250 Дж
- б) 25750 Дж
- в) 20500 Дж
- г) 15250 Дж

№8. Идишни ёпиб турган қопқоққа газ 6Н куч билан ҳаракат қилиб, 30 Па босим кўрсатади. Бу қопқоқнинг юзи қандай?

- а) 0,1
- б) 0,2
- в) 6
- г) 30

№9. Ғаввоснинг юзи $2,4 м^2$ скафандрига сув 3,6 мегаНютон куч билан босим кўрсатади. Ғаввос қандай чуқурликда жойлашган? Сувнинг зичлиги $1000 кг/м^3$.

- а) 15
- б) 30
- в) 36
- г) 150

№10. Музнинг юзаси $4 м^2$ ва қалинлиги 0,5 м. У сувга биратўла ботиши учун унга қандай массадаги юкни қўйиш даркор? Сувнинг зичлиги $1000 кг/м^3$, музнинг зичлиги эса $900 кг/м^3$.

- а) 200
- б) 100
- в) 90
- г) 50

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори – 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»